



IBNI DAVLAT - CREATIVITY OF MODERN APPROACH IN HIS WORK

Toshniyozova Dilfuza Polvonovna
SamSU is an independent researcher

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5347962>

ARTICLE INFO

Received: 15th August 2021
Accepted: 20th August 2021
Online: 25th August 2021

KEY WORDS

tradition, devon, predecessors, communist ideology, ghazal, lyrical hero.

ABSTRACT

This article calls for the promotion of communist ideology in the majority of Uzbek Soviet literature published during the reign of Ibn Davlat, a representative of Eastern classical literature, but the works that do not adhere to this ideology and their authors, of course, persecute the poet. , is based on classical traditions. Ibn Davlat's mastery of the devon, one of the classical traditions, was based on the mastery of the work of the classical salaf, which reflected the harmony and commonality of general ideas.

ИБНИ ДАВЛАТ ИЖОДИДА ЗАМОНГА МУНОСАБАТНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Тошниёзова Дилфуза Полвоновна

СамДУ мустақил тадқиқотчиси
Телефон: +998(91)531 24 77

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 15-avgust 2021
Ma'qullandi: 20- avgust 2021
Chop etildi: 25- avgust 2021

KALIT SO'ZLAR

анъана, девон, салафлар, коммунистик мафкура, ғазал, лирик қаҳрамон.

ANNOTATSIYA

Ушбу мақолада шарқ мумтоз адабиёти намоёндаси Ибни Давлат ижод қилган даврида нашр юзини кўрган ўзбек шўро адабиётининг аксар намуналаридан тамоман коммунистик мафкура тарғиб-ташвиқ этилиши талаб қилиниши, аммо бу мафкурага бўйсунмаган асарлар ва уларнинг муаллифлари, табиийки, таъқибга учраса-да шоир ўз саботида қатъий туганлиги, мумтоз анъаналар ассосида ижод қилганлиги ҳақида баён қилинади. Ибн Давлатнинг мумтоз анъаналардан бири саналган девон тузишида мумтоз салафлар ижодига ҳамоҳанглик ва умумий ғоялар муштараклигини акс эттирганлик маҳорати илмий асослаб берилган.

Ҳамиша ҳаёт адабиётнинг асосий тасвир объекти бўлиб келган. Аммо

“ҳаёт” дейилганда жуда кенг ва умумий нарса тушунилади. Шундан келиб чиқиб,



мутахассислар: *“Адабиётда, аввало, замон ва макон акс этади”*, – деб ҳисоблашади. Агар Ибн Давлат ижодига айнан ана шу жиҳатдан ёндашадиган бўлсак, аёнлашадикки, у Ўзбекистонда – унинг Каттақўрғон адабий муҳитида октябрь тўнтарилишидан олдин ва кейин яшаган.

Албатта, шоир шеърларининг қай бири қайси йили ёзилгани ҳақида аниқ-тиниқ маълумотларга эга эмасмиз. Аммо унинг биз ўрганган *“Девон”*и айнан шўро йилларида тартиб берилган. Шунга асосланиб, шартли равишда бўлса ҳам, *Ибн Давлат, асосан, шўро даврида сермахсул ижод қилди*, деб ҳисоблай оламиз. Шўро адабиёт тарихи шўро даврининг ўзида ҳам кўп томонлама ўрганилди. Мустақиллик йилларида ҳам, табиийки, бу давр ўзбек сўз санъатини тадқиқ этиш асло тўхтагани йўқ. Бу давр олий таълим тизимининг ўзбек филологияси йўналишларида изчил ўқитилади ҳам.

Аммо Ибн Давлат ижодини ўрганиш асосида шундай хулосага келдикки, шунча саъй-ҳаракатларга қарамасдан, шўро даври ўзбек адабиёти ҳали-ҳануз тўла ва ҳар тарафлама тадқиқ этиб улгурилгани йўқ.

Биз билган, яъни ёзилиб, ўз даврида нашр юзини кўрган ўзбек шўро адабиётининг аксар намуналаридан тамоман коммунистик мафкура тарғиб-ташвиқ этилиши талаб қилинди. Бу мафкурага бўйсунмаган асарлар ва уларнинг муаллифи, табиийки, таъқибга учради. Онгли, кучли, ўз қараши ва нуқтайи назарига эга қалам соҳиблари *“Эзоп тили”* усулида иш тутиб, шаклан шўро сиёсатига очикдан-очик қарши

чиқмаган ҳолда асл мақсадларини яшириб ифодалашга ҳаракат қилди.

Бугун ҳеч кимга сир эмаски, *айнан шўро давлати амалга оширган социализм туйфайли ўзбек халқи рўшнолик кўрди*, деган ғоя адабиётимизнинг бошидан охиригача қизил ип бўлиб ўтган.

Бироқ адабиёт тарихини фақат чоп этилган асарлар асосидагина ўрганиш тўғри йўл эмас. Ахир, минг йиллик мумтоз ўзбек адабиёти тарихини ўрганишда бундай чеклов йўқ-ку. Ахир, айрим мумтоз асарларнинг бор-йўғи биргина нусхаси бизгача етиб келган. Шунга қарамай, бундай асар ҳам адабиёт тарихининг таркибий қисми сифатида тадқиқ этилаверади ва ўша давр адабиёти хусусиятларини илман кўрсатиб беришда муҳим манба бўлиб хизмат қилаверади. Ўз даврида чоп этилмаган, 2019 йилга келибгина нашр юзини кўрган Ибн Давлат *“Девон”*ига ҳам айнан ана шундай нуқтайи назардан келиб чиқиб ёндашиш зарур. Бу шоир асарлари таҳлили шуни кўрсатадики, шўро замонида ҳам ҳукмрон мафкуранинг амалга оширган дин ва миллат қадриятларига қарши курашлари, адолатсизликлари шеъриятда ўз инъикосини топган. *“Девон”*да бу даъвони исботлашга асос бўладиган кўпдан-кўп мисоллар мавжуд. Нашр этилган *“Девон”*даги 13-рақам билан келган *“Айла”* радифли ғазалда айнан шуни кўрамиз.

Ғазалнинг 3-байти шундай жаранглайди:

Баҳо ул-Ҳаққи вад-диндек жаҳонда авлиё бордур,

Сирот-ул-мустақим узра аларни раҳнамо айла .



Тасаввуфда авлиёларга ҳамиша тирик руҳ сифатида қаралади. Байтда шу эътиқодга содиқлик акс этиб турибди.

Тасаввуфда, *олам ҳеч қачон авлиёдан холи бўлмайди*, деган қатъий ишонч – мавжуд. Ибн Давлат шеърлари кўрсатадики, шоир бу ақидага қаттиқ ишонган. Масалан, унинг “Девон”ида 89-рақам билан келган ғазал мақтаъси шундай жаранглайди: *Жаҳон холий эмасдур, то Қиёмат авлиёлар бор, Топадур устаган, эй Ибн Давлат, яхшилар кўндур* (Б. 79).

Худди шунга ўхшаш фикрнинг таҳлил этилаётган 13-рақам билан келган ғазалнинг 4-байтида ҳам қатъий тарзда айтилганини кўрамыз:

*Вилоятлик азиздин ушбу олам холи бўлмайдур,
Вилоятлик азизларни манга пири худо айла* (Б.23).

Шоир шеърларида дину диёнат, миллий қадриятлар ҳимоячиси сифатида намоён бўлади. Албатта, шўро давлати диний эътиқод эркинлигига қўймади. Жамият орасида кучли даҳрийлик сиёсатини юргизди. Собит эътиқодга эга ҳар қандай мусулмон бандага бу ёмон таъсир қилар, уни ғамларга ботирар эди, албатта. “Девон”да 14-ғазал бўлиб келган мана ғазалнинг ушбу байтларида шу дард-ҳасрат акс этган:

*Умри етмишдин ўтуб, тоат-ибодат қилмағон,
Ғофилу қоҳил юруб, қилди мудом кори табоҳ.
Ўқумай умри ичинда бир ҳақиқатлик намоз,
Зоҳири мўъмин-мусулмон, хосиятлардин жудо* (Б. 23).

Шўро даврида фақат дингина ғариб бўлган эмас. Мустамлакачилик сиёсати

халқни ҳуқуқсиз қилиб қўйди. Адолат топталди. Миллат камситилди. Ҳаром-ҳариш кўпайди. Порахўрлик авж олди ва ҳоказо.

*Аввали ўтган замонда яхши одам кўп эди,
Бу замонда бўлди пайдо бир неча гумроҳлар* (Б. 99).

Шоир “аввали замон” деганда Октябрь тўнтаршидан олдинги даврни кўзда тутган, албатта. Чор Россияси ҳам мустамлакачилик сиёсатини олиб боргани – табиий. Лекин шўро сиёсати даҳрийлик асосига қурилган эди. Халқнинг маънавий қашшоқлашиши – динсизлашиши айнан ана шу шўро замонида юз берди. Ибн Давлат шўро давлатининг динсизлик сиёсатини мутлақ ҳазм қила олмайди. У бунини, *жамиятда ахлоқсизлик кўпайиб кетганига сабаб бўлди*, деб билади. “Девон”да 144-рақам билан келган ғазалида:

*Шаръи поки Мустафодин бул замон кетти футур,
Ман билиб айдим бу сўзлар, қилма мунга ихтилоф* (Б. 119).

деб ёзади. Шунингдек, “Девон”даги 145-рақам билан келган ғазалда яна шундай битади:

*Намозу рўзани тарк айладилар аксару мардум,
Буларнинг аксарининг кўнглида ваҳми Қиёмат йўқ* (Б. 120).

Бу сатрларда жамиятда одамларнинг динсизлашиш жараёни акс этган. Бу ҳам бир маънавий таназзул эди. Муҳими – шу ҳолат ўз даврида бадий инъикосини топгани. Буларнинг бари адабиёт замоннинг кўзгуси эканини яна бир карра исбот этади.



Foydalanilgan adabiyotlar:

1. М.Ҳакимов. Шарқ манбашунослиги луғати. –Тошкент: DAVR PRESS, 2013. 90-бет.
2. О.Жўрабоев. Бобурнинг девон тузиш ҳақидаги назарий қарашлари // “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали. 2018 йил, 1-сон. 117-бет.
3. Ғарибий ва унинг девони. Номзодлик дисс.я автореферати. –Тошкент, 2006.
4. Санаев И.С. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида Зарафшон водийси адабий муҳити. Филол. фан. номзоди дисс.. –Самарқанд, 2001.